XALQ DEPUTATLAR JIZZAX VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 11 - fevral VI-32-57-3-0-K/22 Jizzax viloyati hokimligi

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 5 январда “Жиззах вилоятининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-31-5-3-0-K/22 -сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 24 январдаги №06/04-02-02-32/203 сонли хатига мувофиқ, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 5 январда “Жиззах вилоятининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-31-5-3-0-K/22-сонли қарорига асосан Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар ҳамда жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қайта кўриб чиқиб, халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 5 январда “Жиззах вилоятининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-31-5-3-0-K/22-сонли қарорининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар тўғрисидаги 8-иловаси 1-иловага мувофиқ, жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар тўғрисидаги 9-иловаси 2-иловага мувофиқ ўзгартирилсин.

2. Мазкур қарор “Жиззах ҳақиқати” ва “Джизакская правда” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов, вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғи А.Раҳматуллаев ҳамда вилоят Солиқ бошқармаси бошлиғи Б.Тошпўлатов зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**

Халқ депутатлари Жиззах вилоят
Кенгашининг
2022 йил 11 февралдаги
VI-32-57-3-0-K/22-сон қарорига
1-илова

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	Ҳудуд номи	Солиқ кодексининг 429-моддасига асосан киритилган базавий ставка (1га ер учун,. минг сўмда)	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (минг.сўмда)
1	Жиззах шаҳар	29 000,0	1,25	36 250,0
2	Арнасой тумани	29 000,0	0,85	24 650,0
3	Бахмал тумани	29 000,0	0,85	24 650,0
4	Ғаллаорол тумани	29 000,0	0,95	27 550,0
5	Шароф Рашидав тумани	29 000,0	1,15	33 350,0
6	Дўстлик тумани	29 000,0	0,85	24 650,0
7	Зомин тумани	29 000,0	0,85	24 650,0
8	Зарбдор тумани	29 000,0	0,85	24 650,0
9	Зафаробод тумани	29 000,0	0,75	21 750,0
10	Мирзачўл тумани	29 000,0	0,75	21 750,0
11	Пахтакор тумани	29 000,0	0,95	27 550,0
12	Фориш тумани	29 000,0	0,75	21 750,0
13	Янгиобод тумани	29 000,0	0,75	21 750,0

Халқ депутатлари Жиззах вилоят
Кенгашининг
2022 йил 11 февралдаги
VI-32-57-3-0-K/22-сон қарорига
2-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	Ҳудуд номи	Солиқ кодексининг 437-моддасига асосан киритилган базавий ставка (1кв.метр учун,. сўмда)	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (сўмда)
1	Жиззах шаҳар	260	1,65	429
2	Арнасой тумани	260	0,85	221
3	Бахмал тумани	260	0,90	234
4	Ғаллаорол тумани	260	0,95	247
5	Шароф Рашидов тумани	260	1,10	286
6	Дўстлик тумани	260	1,0	260
7	Зомин тумани	260	1,10	286
8	Зарбдор тумани	260	0,95	247
9	Зафаробод тумани	260	0,85	221
10	Мирзачўл тумани	260	0,90	234
11	Пахтакор тумани	260	0,95	247
12	Фориш тумани	260	0,85	221
13	Янгиобод тумани	260	0,85	221